ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Т.М.Турсунмуратов

Мақолада Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши босқичлари, уларнинг ҳар бирига хос асосий жиҳатлар, ҳамкорлик йўналишлари ва эришилган натижалар ёритилган.

***Калит сўзлар**: Европа Иттифоқи (ЕИ), Марказий Осиё (МО), стратегия, минтақа, шериклик, барқарорлик, хавфсизлик.*

В статье освещены этапы развития сотрудничества Европейского Союза со странами Центральной Азии, выявлены главные особенности каждого из этих этапов, направления сотрудничества и их результаты.

***Ключевые слова**: Европейский Союз, Центральная Азия, стратегия, регион, партнерство, стабильность, безопасность.*

The article lights up the stages of the development of the cooperation of the European Union with the countries of Central Asia, the main features of each of these stages, directions of cooperation and their results are revealed.

***Key words:** European Union, Central Asia, strategy, region, partnership, stability, security.*

Марказий Осиё (МО) мамлакатлари мустақилликка эришгач, бошқа минтақалардаги давлатлар қаторида Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари билан ҳам икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик шакллана бошлади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида ЕИ билан МО мамлакатлари ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва инсонпарварлик механизларини қўллаш асосидаги муносабатлар ривожланиш эволюциясини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич томонлар ўртасида эндигина икки ва кўп томонлама меъёрий-ҳуқуқий базанинг концептуал асослари шакллана бошлаган ўтган асрнинг 90-йилларини ўз ичига олади. 1991 йилнинг 31 декабрида ЕИ томонидан МО давлатларининг сиёсий мустақиллиги расмий равишда эътироф эьтилганидан бошлаб икки ва кўп томонлама ўзаро манфаатли алоқалар шаклланиши учун сиёсий фундамент қўйилган бўлса, 1992 йилда «Европа Иттифоқи ҳақидаги Шартнома» қабул қилиниши билан ЕИ аъзоларининг ташқи сиёсий фаолияти масаласидаги ҳуқуқий асосларига бир хилдаги ёндашув шаклланди.

Биринчи босқичда ЕИ ва МО мамлакатлари ўртасида қизғин мунозаралар олиб борилди ва концептуал характердаги бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, 1994-1996 йиллар давомида ЕИ томонидан «Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан шериклик тўғрисидаги Битим» имзоланди [9].

ЕИ ва МО мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ривожининг эволюциясини тадқиқ этиш асосида ҳамкорликнинг биринчи босқичида кўп жиҳатдан танишув характеридаги ҳамда муносабатлар ривожи истиқболи йўлида қулай шароитлар яратишнинг тамал тоши қўйилган дея таъкидлаш мумкин.

1999 йил июлда ҲББнинг кучга кириши ЕИ ва МО мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожининг иккинчи босқичи ибтидоси бўлди. Ҳамкорликнинг ушбу босқичи транспорт коммуникация, демократик ислоҳотлар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳалари бўйича бир қатор биргаликдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан характерланади.

Ҳамкорликнинг амалий механизмларидан бири ТАСИС мустақил давлатлар Ҳамдўстлигининг ўзаро техник ёрдам дастури (TACIS – Technical Assistance for the Common wealth of Independent States) ҳисобланади. Ушбу дастурнинг бош мақсади «минтақа давлатларида бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик ислоҳотларни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш»дан иборат эди [10].

ТАСИС дастури 2006 йил охирига қадар давом этди ва Европарламент ҳамда ЕИнинг регламентга мувофиқ 2007 йилда «Қўшничилик ва шерикчилик бўйича Европача инструмент»га айлантирилди [1].

ТАСИСнинг минтақадаги фаолиятига нисбатан минтақада турлича қарашлар мавжуд. Минтақа ҳукуматлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари унинг фаолиятидаги муаммоли жиҳатларга аҳамият қаратдилар. Бу борадаги муаммолардан бири - ЕИ лойиҳалари биринчи навбатда ғарб иж-

рочилари томонидан амалга ошириб келинган. Шунга кўра, маҳаллий экспертлар «ЕИ маҳаллий компанияларини барпо этишдан кўра ўзларининг компанияларидан фойдаланмоқдалар» [2].

ЕИ ва МО мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ривожининг учинчи босқичи Халқаро хавфсизлик кучлари (ISAF - International Security Assistance Force) 2001 йилда Афғонистонга киритилгандан сўнг минтақанинг ўзига хос географик аҳамиятга молик бўлиб қолгани билан боғлиқдир.

АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь террористик ҳодисалари жаҳоннинг геосиёсий вазиятини тубдан ўзгартириб юборди. Ташқи таҳдиддан ҳимояланиш муаммоси халқаро ҳамжамият кун тартибидаги асосий масалага айланди.

МО эътиборсиз чекка ўлка даражасидан халқаро сиёсат марказига айланди. ЕИ МО мамлакатларига бундан бошқа, жумладан, наркотрафик ва чегаралар хавфсизлигини таъминлаш масалаларида ҳам кўмаклашиши лозим бўлиб қолди. Европаликлар фақат тинч, иқтисодий тараққий топган, демократик МОгина уларнинг ишончли шериги бўлиши мумкинлигини тан олдилар [6].

Ҳамкорликнинг ушбу босқичда ЕИнинг МО бўйича 2002 йилдан 2006 йилгача бўлган Стратегияси алоҳида ўрин тутади. Ушбу концептуал ҳужжатнинг бош устувор йўналиши МО мамлакатларида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро низоларни бартараф этиш, шунингдек, қулай инвестицион шароит яратишдан иборат эди.

Чегаралар хавфсизлиги бутун минтақа барқарорлигини таъминлашдаги муҳим масала бўлгани учун Европа Иттифоқи 2002 йилда махсус дастур – Чегараларни бошқаришдаги ҳамкорлик БОМКА дастурини (BOMCA – Border management program in Central Asia) ишлаб чиқди. Бу дастур хавфсизликни мустаҳкамлаш, контрабандага қарши кураш ва МО даги савдо-сотиқда ҳамкорлик масалаларига йўналтирилган. БОМКА дастури иш бошлаган 2003 йилдан бошлаб ва унинг кейинги жабҳалари давомида имкониятларни кенгайтириш ва институционал ривожланиш, савдо йўлакларини тараққий эттириш, чегараларни бошқариш тизимларини яхшилаш ва МО минтақасида наркотик билан савдо қилишни илдизи билан йўқ қилишга қаратилган [7].

МО минтақасида наркотик моддаларнинг ноқонуний тарқатилишини назорат қилиш стратегиясини таъминлаш мақсадида 2001 йилда Европа Иттифоқи томонидан КАДАП (CADAP- Central Asian Drugs Action Program) дастури киритилди. У 2013 йилда кучга кириши билан дастурнинг бешта жабҳаси амалга оширилди.

Дастурнинг олтинчи жабҳасидан кўзланган асосий мақсад Европанинг наркотикка қарши ҳаракатлар режаси, тамойиллари, стандартлари ва мавжуд тажрибалари, шунингдек, ЕИнинг наркотик моддаларга қарши Стратегияси (2013-2020) ва ЕИнинг МОда наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳаракат режаси (2014-2020) билан мувофиқ тарзда тўлиқ интегратив ва қатъий чоралар асосида минтақада наркотик моддаларга қарши курашдаги МО мамлакатлари имкониятларини мустаҳкамлашдан иборат [11].

Стратегиянинг яна бир устувор йўналиши МО давлатлари таълим тизимини Европа стандартлари асосида такомиллаштиришдан иборат бўлди. Шундай дастурлардан бири ТЕМПУС деб номланиб, у минтақадаги барча мамлакатлар таълим тизимини модернизация қилишда ҳамкорликни амалга ошириш имконини берди. Дастурни амалга ошириш доирасида ЕИ ва МО нинг бир неча минг олим ва талабалари жалб қилиниб, минтақа давлатларининг 130 университети 230 лойиҳада иштирок этди [12].

ЕИ ва МО ўртасидаги муносабатлар ривожи Брюсселнинг ташқи сиёсат фаолиятида қўшни давлатлар билан алоқаси, жануби-шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига географик жиҳатдан ЕИнинг кенгайгани ҳам маълум бир даражада роль ўйнади.

Қўшничилик инструменти алоҳида давлатлар ва минтақалар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасидаги бир қатор концептуал ҳужжатларни ўз ичига олади. Жумладан, унинг таркибига қуйидагилар киради: 1) 2007-2013 йилларга мўлжалланган Стратегик ҳужжат (StrategyPaper); 2) 2007-2010 йилларга мўлжалланган Индикатив дастурлар; 3) 2011-2013 ва 2007-2010 йилларга мўлжалланган Индикатив дастурлар [4].

ЕИнинг МО борасида Стратегик ҳужжатни имзолаши ҳамкорликнинг янги имкониятларини бошлаб берди. Ҳужжат ЕИнинг МО мамлакатлари билан ҳам икки тарафлама, ҳам минтақавий даражадаги ҳамкорлигининг истиқболдаги ривожи ва мустаҳкамлашувида барча соҳаларни қамраб олувчи узоқ муддатли концептуал асосга айланди. Ҳужжатда таъкидлангани каби «XXI асрнинг боши, бутунжаҳон глобаллашув шароитида ЕИ билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сифат жиҳатдан янгича шерикчилик ўрнатиш фурсати етиб келди» [3].

ЕИ ва МО давлатлари ўртасидаги муносабатлар ривожининг иккинчи босқичидаги динамикаси таҳлил қилинар экан, умумий мақсадларга эришиш бўйича томонлар манфаатдор бўлишларига қарамай, икки ва кўп тарафламали ҳамкорлик

самарадорлигига салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар аниқланди.

Жумладан, ЕИнинг МО минтақасидаги давлатларга нисбатан ташқи сиёсат фаолиятининг сиёсий ва иқтисодий таркибий қисмлари ўртасида номувофиқликлар кузатилади. Брюсселнинг МОга нисбатан ташқи сиёсат йўналишида аниқ мақсадларининг мавжуд эмаслиги ЕИни минтақага тўлақонли кира олишдаги муайян куч ва имкониятлардан маҳрум этиб қўйди. ЕИнинг нодавлат ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти юзасидан олиб борган ҳаракатларини кўзлан кечирадиган бўлсак, улар фақат тарғибот ва ташвиқот ишлари билан кифояланиб қолганлар.

ЕИ ва МО ўртасидаги муносабатларнинг тўртинчи босқичи 2015 йилда Европа Иттифоқининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган МО бўйича янгиланган Стратегияси қабул қилиниши билан бошланди.

ЕИнинг МО бўйича олдинги стратегияларидан фарқли ўлароқ, янгиланган стратегияси яқин ва узоқ келажакка мўлжалланганидан қатъи назар, сезиларли даражада салмоқли ҳажмда бўлган лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутади.

ЕИ ташқи ишлар Кенгашининг 2015 йил 22 июндаги ЕИнинг МО бўйича стратегияларини амалга ошириш тўғрисидаги хулосаларига кўра, ЕИнинг Марказий Осиё давлатлари билан 2014-2020 йиллар давомидаги икки тарафлама ва минтақавий ҳамкорликларига йўналтирилган бюджети 56% га ортган ва 1,068 млрд еврони ташкил қилган. Хулосаларда МО минтақасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш учун таклиф этилган аъзоларнинг ЕИ субъектининг минтақадаги турли активлари воситасида ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришлари заруратига алоҳида урғу берилади [8].

Аввалги жабҳаларда эришилган муваффақиятларга таянган ҳолда, БОМКАнинг ҳозирги 9-жабҳаси миграция оқимларини бошқариш ва савдо-сотиқ жараёнларини соддалаштиришнинг институционал ривожланиш соҳасидаги чораларини давом эттириш ниятида. Ушбу жабҳада 2015 йил июндан 2018 йил июнга қадар ЕИнинг қўшган ҳиссаси 4,5 млн. еврони ташкил қилади. Ижрочи ташкилот Латвиянинг Давлат чегарасини қўриқлаш хизмати ҳисобланади. Ҳозирги кунда БОМКА 9-жабҳасининг тенг ярим муддати ўтиб бўлган бир вақтда МО давлатларидан 900 киши турли даражадаги минтақавий ва миллий доиралардаги 60 дан ортиқ тадбирлар - семинар ва амалиётлар, маслаҳат кенгашлари ҳамда Европа мамлакатларига танишитирув саёҳатларида иштирок этдилар [5].

Қиёсий таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, ЕИ Стратегияси доирасида ҳамкорлик ривожланишининг дастлабки уч босқичида ажратилган ресурслар МО мамлакатлари иқтисодиётига Жанубий-шарқий Осиё, Яқин ва ўрта шарқдан келаётган реал инвестицияларга нисбатан анчайин кам.

Бу йиллар давомида Европа мамлакатларининг ушбу минтақага молиявий ёрдамларининг чекланганлиги ва уларнинг бу борадаги ўта суст иқтисодий сиёсати Стратегияда ўз аксини топган долзарб муаммоларни ҳал этиш имкониятини тўсиб қўйди. Юқорида таъкидлангани каби Стратегияни имплементация қилиш, лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда транспарентлик тамойилларига амал қилиш, томонларнинг ўзаро манфаатларини назарда тутиш ва барча МО мамлакатлари вакиллари иштирок этиши ҳамда уларнинг фикрлари эътиборга олиниши ўта муҳим ҳисобланади.

ЕИнинг янгиланган дастури доирасида муайян натижаларга эришиш учун МО мамлакатлари билан муносабатларда қўлланилаётган ёндашув услубларини ҳамда уларнинг самарадорлигини танқидий таҳлил қилиб чиқиш, шунингдек, икки ва кўп тарафламали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалдаги механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

ЕИ аъзо-давлатларининг юқори даражадаги технологик имкониятлари, шунингдек, МО давлатларининг, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, томонларнинг фаол иштирокида ҳамкорликдаги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш асосида замонавий технологиялар соҳасида ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари учун катта имкониятлар мавжуд.

Адабиётлар:

1. Бобокулов И.И. Программы и проекты ЕС в Центральной Азии /И.И.Бобокулов//Новая стратегия Европейского союза для Центральной Азии: современное состояние, проблемы и перспективы: материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент, 2010.– С.39–45.

2. Дадабаев, З.А. Новая европейская политика в Центральной Азии. /З.А.Дадабаев//Актуальные проблемы Европы. М.–2011–№3.–С.153–179.

3. Европейский Союз и Центральная Азия: Новое партнерство в действии. Брюссель – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: https://eeas.europa.eu/sites/eeas/files/2010_strategy_eu_centralasia_ru.pdf.

4. Европейский Союз и Центральная Азия: Стратегия нового партнерства.– Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: https://www.bomca-eu.org/ru/programme/background (дата обращения: 06.02.2017).

5. ЕС содействует управлению границами в Центральной Азии. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: https://eeas.europa.eu/delegations/kyrgyz-republic/29202/node/29202_ru.

6. История. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: https://www.bomca-eu.org/ru/programme/background.

7. Программа предотвращения распространения наркотиков в Центральной Азии (КАДАП). – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: http://cadap-eu.org/ru/about/.

8. Совет Европейского Союза рассмотрел реализацию Стратегии ЕС по Центральной Азии. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: https://www.uzdaily.uz/articles-id-25325.htm.

9. Внешняя политика Европейского Союза в Центральной Азии: Общие направления, основные «проекты» и этапы – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: http://www.easttime.ru/analytics/tsentralnaya-aziya/vneshnyaya-politika-evropeiskogo-soyuza-v-tsentralnoi-azii-obshchie-nap.

10. Council Regulation (EC, Euratom) No 99/2000 concerning the provision of assistance to the partner States in Eastern Europe and Central Asia (29 December 1999). – Electronic text data. Mode of access: www.cvce.eu/obj/council_regulation_ec_euratom_no_99_2000_concerning_the_provision_of_assistance_to_the_partner_states_in_eastern_europe_and_central_asia_29_december_1999-en-0e592c34-a8c8-4506-9b7e-9443c80b7de7.html.

11. EU cooperation in education in Central Asia. – Electronic text data. Mode of access:http://www.eeas.europa.eu/archives/docs/central_asia/docs/factsheet_education_en.pdf (date of access: 10.04.2017).

12. Related Acts. Regulation (EC) No 1638/2006 of the European Parliament and of the Council laying down general provisions establishing a European Neighborhood and Partnership Instrument (24 October 2006). – Electronic text data. Mode of access: http://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX%3A32006R1638&from=EN (date of access: 10.05.2017).

Тошкент шаҳридаги Инха университети
2018 йил 1 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. В.Қўчқоров)